Утилитар жазо назарияси

Розиков Илхом Истамович
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси, Бухоро давлат университети ўқитувчиси, адвокат, медиатор +9989432321805
ilhomroziqov5@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур maqolada жиноий жазо назарияларнинг тушунчаси ва ўзига хос жиҳатлари ўрганилган бўлиб, бу борада олимларнинг фикрлари таҳлил этилган. maqolada жазо назарияларининг моҳиятини яхшироқ англаш учун жазонинг тарихий ривожланиши, мақсадлари ва айбдор шахсга таъсири ҳақидаги асосий назариялар ва қарашлар таҳлил қилинади, шунингдек уларнинг асосида жазонинг моҳияти ва унинг мақсадларини англаш ҳозирги вақтда жиноят қонунчилигида жазо ҳисобланмайдиган жиноий-ҳуқуқий характердаги бошқа, муқобил чораларнинг моҳияти аниқланади. Уларни амалда қўллаш муаммоси ҳақида фикр билдирилган.

Утилитаризм (ёки бошқа манбаларда жамият учун фойдалилик, натижавийлик) бунга ишонадиган ахлоқий назарияда адолат- инсон хулқ-атворининг яхши ва ёмон оқибатлари мувозанати билан белгиланади. Утилитаризмга кўра, бу дунёдаги бахт миқдорини оширадиган ҳаракатни бажариш ҳар бир жамият аъзосиинг бурчидир.

Утилитар жазо назариясининг асосчиларидан бири И.Бентемнинг фикрига кўра жазо, агар унинг натижаси ўлароқ жамият учун яхши натижаларга эга бўлса, ўзини ижобий томондан кўрсатади.

Утилитар жазо назариясининг асосчиларидан яна бири Ж.Миллнинг фикрига кўра жамият учун яхшиликни бахт, ёмонликни бахтсизлик деб белгилаб, бутун жамият бахтли бўлиши учун ҳаракат қилиш керак.

Утилитар жазо назарияси тарафдорларининг нуқтаи назари бўйича,

жамият ҳаётининг кўпчилик қисмини манфаатларини қондиришга ёрдам берадиган, жамиятни бахтли қилишга қаратилган ҳаракатларни излаш керак, шу билан бирга бу бахтга тўсқинлик қиладиган ҳолатлардан қочиш керак, жиноий одил судлов тизимининг энг муҳим мақсади одамларнинг жиноятда иштирок этиш имкониятини камайтиришдир.

Утилитар жазо назарияси қўрқитиш, олдини олиш (профилактика), таъсир жазо назариялари каби таркибий қисмлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг барчасида алоҳида инсон эмас, балки жамият манфаатлари устунлиги эътироф этилади.

И.Бентамнинг назарияси XVIII асрда Т.Гоббс, Ж.Локк ва француз материалистларининг қатор ижтимоий-фалсафий ғояларини ўзида мужассам этади. Унинг фикрига кўра, кўпчилик учун фойдалилик, муаммони ҳал қилиш воситаси бўлиш қобилияти, барча ҳодисаларни баҳолашнинг энг муҳим мезони ҳисобланган.

Ахлоқ, кўп сонли одамлар учун энг катта бахтни (яхшиликни) топишга қаратилган ҳамма нарсалар ҳисобланган. Лекин бир жамият учун маъқул бўлган нарса, бошқа жамиятлар учун маъқул бўлмаслиги мумкин. Мисол учун Арабистон ярим оролидаги жамиятнинг ахлоқий қарашлари, европа давлатлари жамиятининг ахлоқий қарашлари билан мос эмаслигини тасаввур қилишимиз мумкин.

И.Бентемдан бошлаб жазонинг қўрқитиш назарияси тарафдорлари жиноятчини ва унинг ҳақ ҳуқуқларини умумий профилактика манфаати учун қилинадиган "қурбонлик" деб ҳисоблашган. Бу борада XVIII аср инглиз адабиётида кўпинча инглиз судьяси Ж.Бурнеттнинг баёноти ишлатилади, у айбдорларни ўлимга ҳукм қилишда: "Сиз қўйни ўғирлаганингиз учун эмас, балки бошқалар қўйларни ўғирлашга ботинолмасликлари учун қатл этиласиз" (яъни, жазо фақат утилитар мақсадларни кўзлайди: "бунда жиноят содир этган

шахснинг қилмишига мувофиқ эмас, балки бошқалар келажакда ўғриликка журьат этмасликлари учун жазолаш амалиёти") дея таъкидлаганлигини эътироф этиш лозим.

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон ҳудудида ўрта асрларда гоҳида яхлит, гоҳо бир-биридан мустақил тарзда фаолият кўрсатган давлат ёки давлатларнинг маъмурий бошқаруви, иш услублари-ю сиёсий тузуми узоқ йиллар давомида шариат қонунларига бўйсундирилган. Бинобарин, маҳкумнинг ахлоқан тузалишини узоқ кутгандан кўра, ўз даври учун оммага жуда тез таъсир қиладиган, керак бўлса қўрқув ва даҳшатга соладиган, жисмоний азоб-уқубат берадиган жазоларнинг самарасига кўпроқ эътибор қаратилган ва фойдаланилган. Жазонинг ижросини халқнинг кўзи олдида амалга ошириш каби қоидалар нафақат бизнинг мамлакатимиз жазолаш тизими тарихи билан, балки дунёдаги бошқа давлатларнинг жазони ижро этиш тизими тарихи билан ҳам боғлиқ ўзига хос бўлган умумий хусусиятдир[1].

Қўрқитиш назариясининг муҳим хусусияти шундаки, у "адолатли жазо" меъёрларидан, яъни жазоланишдан келадиган зарар жиноятчиликдан ошмаслиги керак деган қоидадан четга чиқади.

Утилитар назария тарафдорлари шахснинг эркинлиги ҳақида эмас, балки жамият фойдаси ҳақида гапиришни афзал кўради, унинг диққат марказида шахсларнинг манфаатлари ва хавфсизлиги туради. Инсон ўзи ҳақида, унинг фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиши ва ҳеч кимнинг ташқи ёрдамига ишонмаслиги керак. Утилитаристлар "Эркинлик"масаласини қўллаб қувватламайдилар. Улар буни спекуляционлар маҳсули деб билади.

Унинг учун эркинлик ва ўз хоҳиш-иродаси ифода этиш ўртасида туб фарқ йўқ. Эркинлик ва индивидуал ҳуқуқлар утилитар назария тарафдорлари учун ёвузликнинг ҳақиқий тимсоли ҳисобланади, шунинг учун улар табиий ҳуқуқ

[1] Таджиханов.У, Саидов.А. Ҳуқуқий маданият назарияси: Дарслик. 2 томли. –Т:, 1998.– Б. 221.

мактабини ва унинг таъсири остида яратилган сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжатларни умуман рад этгани каби уларни тан олмайди ва рад этади.

Мутафаккир И.Бентем "жазо" тушунчасини фойдалилик принципи асосида белгилайди. Ушбу принципга кўра жазо ёмонлик деб ҳисобланади. Бироқ, бу жиноятчиликнинг каттароқ ёвузлигини йўқ қиладиган зарурий ёвузликдир. Жамиятга фойда - бу жазо мавжудлигининг асосий сабаби ва унинг асосий оқланиши. Олим жазони жиноятнинг муқаррар оқибати деб билади. Жазога бундай ёндашиш унинг муқаррарлиги принципини тан олишни англатади - жиноят ҳуқуқининг энг илғор тамойилларидан бири. Мутафаккир жазонинг тўртта мақсадини белгилаб берди:

-жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш;

-янги жиноятлар содир этилишининг олдини олиш (хусусий ва умумий профилактика);

-жиноятчини тузатиш;

-интиқом (жабрланувчининг манфаатларини қондириш) қўшимча мақсад сифатида.

Утилитаристлар жиноятсиз жамият йўқлигини (бўлмаслигини) тушунишсада, келажакда ҳуқуқбузарликларнинг бутунлай олдини олиш учун зарур бўлгандан ортиқ даражада интизом ўрнатишга ҳаракат қилишади. (утопик назарияга яқинроқ)

Бироқ, утилитар жазо назарияси ўзининг ички уйғунлигига қарамай, бир қатор жиддий камчиликларга ҳам эга бўлиб улар қуйидагилардир:

1. Ушбу назария алоҳида бир шахсларнинг бахт-саодати муҳимроқ эканлигини тан олмайди, чунки жамиятдаги бахтнинг миқдори юқори деб ҳисоблайдилар.

2. Бу назарияда одамлар орасида бахтнинг тенг тақсимланишига аҳамият берилмайди. Утилитарист, эҳтимол алоҳида шахснинг бахтсизлигидан кўра кўпроқ жамият бахтини келтириб чиқарадиган хатти-ҳаракатни амалга ошириш

керак деб ўйлаб, айбсиз кишига қарши гувоҳлик берилишини тарафдори ҳисобланади. Аммо бегуноҳ одамни жазолаш ахлоқий жиҳатдан эътироф этилиши мумкин эмас. Шу сабабли, жазонинг утилитар назарияси бўйича ифодаланиши адолатсиз деб хулоса қилишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: 1. Ўзбекистон республикаси президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сонли Фармони 14-банди, https://lex.uz/docs/5459107 2. Ўзбекистон Республикасининг «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 38-39-сон, 420-модда; 2017 й., 35-сон, 916-модда; Қонун ҳужжатлари маъ- лумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685- сон). 3. Ўзбекистон республикасининг “Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шах- сларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати би- лан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 14 март куни ЎРҚ-530-сонли қонуни, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон). 4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, https://www.lex.uz/acts/111453 5. Олий суд. Стат.уз. https://stat.sud.uz/file/2021/.